6 ЯНВ 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 27-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ЖАДИЙ, 16-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 3 ЯНВАРЬ, ЖУМА, 2-СОН • (253)• — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 25 ТИЙИН.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўртоқ И. А. КАРИМОВга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз билан Сизни бутун қорақалпоқ халқи номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман. Ҳозирги мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий даврда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқлари Сизни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаб тўғри иш қилдилар. Шахсан Сизнинг куч-ғайратларингиз туфайли республикада ижобий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди, республика мустақил деб эълон қилинди, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни тан олди. Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг бахт-саодати ҳамда равнақи йўлидаги олийжаноб меҳнатингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси

Д. ШАМШЕТОВ.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Сизни мустақил Ўзбекистоннинг Президенти этиб сайланишингиз билан астойдил мубораклаб этамиз. Янги йилда Сизга Ўзбекистон халқларининг, шунингдек бутун дунёда яшаб турган ўзбекларнинг бахт-саодати йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. Тожикистоннинг Кабадиён районидаги аҳоли Сиз билан учрашишни жуда хоҳлайди. Сизнинг бандлигингизни тушунсак ҳам, ҳар ҳолда ўзбекларнинг район жамияти олдига шу масалани қўйдик ва шундай учрашув бўлишига умид қиламиз.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Х. ҚУРБОНОВ, Б. ТУРДИМУРОДОВ, Х. БОБОГУЛОВА, С. ОЛТИБОЕВ, СССР халқ депутати С. ОЛИМОВ, Москвадаги Ғалаба парадининг қатнашчиси С. ОЛТИБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси 1992 йил 4 январь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари мажлислари залида очилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 3 январь куни эрта билан соат 9.00 дан то кеч 18 га қадар, 4 январь куни эрта билан соат 9.00 дан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари мажлислари залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 3 январь куни соат 17.00 да Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг кичик залида бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

ЙИЛ ЯНГИЛАНДИ

Эртага Олий Кенгаш тўпланади

Умидвор халқ тубли ислоҳотлар, жиддий ўзгаришлар бўлишини кутмоқда

МУЛОҲАЗА ЮРИТИНГ, ФИКР БИЛДИРИНГ — «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЁЗИБ ЮБОРИНГ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

⊙ МАРҒИЛОНДАГИ ипак илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг пиллакашлик цехида учта янги автомат дастгоҳ ўрнатилди. Улар Японияниинг «Мацузово» фирмасига тегишли бўлиб, бариси чиқинди ҳисобига тушган валютага сотиб олинди. Натижада тола ва маҳсулот сифати яхшиланди. Меҳнат аҳли бу йил 40 хилдан знёд газлама ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

СУРАТДА: шу корхонага қарашли йигирув цехининг ёш ишчиси Озодахон Эрматова.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.

ИНҚИРОЗДАН, ТАНГЛИКДАН, ТАНҚИСЛИКДАН ҚУТИЛИШ ЙЎЛЛАРИ:

МЕҲНАТ, ИНТИЗОМ, ТАРТИБ, АҲИЛЛИК, УЮШҚОҚЛИК

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ ?

✦ДПА ахборот агентлиги хабар беришича, Буюк Британия бош вазири Жон Мейжер Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга нома юборган, унда Россиянинг Халқаро валюта жамғармаси ва Бутун жаҳон банкига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириш учун мумкин қадар тезроқ ариза беришга даъват этилган.

Агар Россия ана шу ташкилотларда иштирок этса, кўзланган ислоҳотлар дастурини маблағ билан таъминлаш учун Халқаро валюта жамғармаси ва Бутун жаҳон банки ресурсларидан баҳраманд бўлишига йўл очилади.

✦ Украина ҳукумати Халқаро валюта жамғармасига кириш учун расмаи ариза берди. Шундай қилиб, Украина собиқ совет республикалари орасида биринчи бўлиб бу соҳада жиддий қадам қўйди. Ариза дастлаб жамғарманинг ижроия директорати томонидан қараб чиқилади.

✦ Фидель Кастронинг собиқ куролдош дўсти Элихио Родригес Лейва Американинг Гуантанамо ҳарбий-денгиз базасида бошпана топишга уриниш пайтида Куба полицияси томонидан ҳибсга олинди. «Кубада инсон ҳуқуқлари учун» гуруҳининг вакили Хорхе Валльс Майамида шу ҳақда маълум қилди.

✦ Беларусь Вазирлар маҳкамаси қарори билан 1 январдан бошлаб республикада кўп маротаба ишлатиладиган купонлар ва истеъмолчи чиптаси жорий этилди.

Қарор ижодкорларнинг фикрига қараганда, маошнинг 70 фоизига қадар купонлар билан таъминланади. Шунингдек чорва молларининг янги харид нархлари жорий этилади, спиртли ичимликларни тижорат йўли билан савдо қилиш кенгайтирилади.

✦ Болтиқбўйи давлатлари раҳбарлари Витаутас Ландсбергис, Анатолий Горбунов ва Арнольд Рюйтелнинг учрашуви 1992 йил 6 январга кўчирилди. Музокаралар ўтказилмаганига сабаб Эстония Олий Кенгаши раиси А. Рюйтель етиб келмагани бўлди.

Баъзи маълумотларга қараганда, Болтиқбўйи давлатлари уч раҳбарининг бўлажак учрашувида Литва, Латвия ва Эстониянинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан ҳамкорлик қилишнинг умумий нуқтаи назари ва принциплари ишлаб чиқилади.

✦ ТАСС мухбири Вашингтондан хабар қилишича, Россия ва бошқа собиқ совет республикаларида демократия, бозор иқтисодиёти мустаҳкамлана борган сайин улар Америка деҳқончилик бизнеси учун жозибадор шериклар бўлиб қолишлари мумкин. АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Эдвард Медиган мамлакатдаги бир қанча радиостанцияларнинг мухбирлари билан Янги йил арафасидаги суҳбатида шундай деди. Қўшма Штатлар деҳқончилик маҳкамасининг раҳбари кейинги вақтларда икки маротаба Москвага келиб кетган эди. У мухбирларнинг янги Ҳамдўстликни ташкил этган давлатларда «жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда» деган фикрига қўшилди. «Келгусида улар биз учун манфаатли бозорга эга ишончли иттифоқчилар бўлиб қоладилар», деб таъкидлади Э. Медиган.

✦ Россия радиоҳаваскорлари йўли билан ТАСС Грузиядан хабар олди. Унда таъкидланишича, Тбилисида ҳамма турдаги қуроллардан яна шиддат билан ўқ отила бошланди, бинолар ёниб турибди. Оппозиция кучлари тўртта батальон миномётини олганликлари ва Президент Гамсахурдиянинг душманлари ҳозир шу қуроллардан ҳукумат уйини ҳамда теварак-атрофни ўққа тутиб турганлиги маълум бўлди. Грузия ички ишлар вазири Дилар Хабулиани ҳозир республика Президенти билан биргадир. Милициянинг асосий қисми тўқнашувларга аралашмаяпти.

✦ Жанубий Осетияда грузин ва осетин томонларининг қуролли тўқнашуви бошланганига бир йилдан ошди. Тўқнашув иккинчи йилининг биринчи кунидаги қўпорувчилик хатти-ҳаракатлари натижасида Цхинвалида иккита уйга ўт қўйилди, трансформатор станцияси шикастланди. Тахминий маълумотларга қараганда, етти кишига ўқ тегиб, ярадор бўлган. Качаси Дмениси қишлоғи яқинида уч соатгача шиддатли отишма тўхтамади. Иккала томондан оғир яраланганлар бор.

Цхинвали ва Знаури районларида осетинлар яшайдиган олис қишлоқлардан таҳликали хабарлар олинмоқда. Ўша жойлардан келган кишиларнинг гапига қараганда, ўтган уч йилнинг ўзида бу ерда 17 та уй ёндириб юборилган ва талонторож қилинган, 22 киши гаровга олиниб, номаълум жойга яширилган. Чорва моллари, деҳқончилик маҳсулотлари тортиб олинган.

(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 йил 2 январь 1-сон қарори

1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинсин.

2. «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликлар 1992 йилнинг 4 январигача банкларнинг тегишли муассасаларига, 1991 йилнинг декабридаги иш ҳақи сўммаси ҳисобидан, унинг 1992 йилда ошишини назарда тутган ҳолда 2-иловага ҳамда «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомга мувофиқ, зарур миқдордаги купонларга талабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон давлат банки бошқа республика банклари билан биргаликда тушган талабномаларга мувофиқ, зарур миқдордаги купонлар беришни таъминласин.

Республика ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар хўжаликлар 1992 йил 9 январгача ишловчиларга, пенсионерларга, студентларга ва бошқа тойфадаги фуқароларга купонлар беришни таъминласинлар.

4. Болалар озиқ-овқатига муҳтож 2 ёшгача бўлган болаларни таъминлашни яхшилаш учун 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бу товарларни врач рецепти бўйича бериш жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болаларига текин болалар овқати бериш учун махсус бланкаларда бериладиган рецептлар, болалар овқатига муҳтож бўлган, қолган болаларга эса оддий рецепт бланкаларида рецептлар беришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолига болалар овқати сотишни врач рецепти бўйича ташкил этсинлар.

Белгиланснинки, бугунги кунда талон бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади. Бунда қиймати 5 минг сўмдан ортиқ бўлган товарлар аҳолига купонлар билан бир вақтда ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан сотилиши мумкин.

5. Белгиланснинки, купонлар миқдори даромадлари қайд этилган шахсларга 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ва йил учун иш якунлари бўйича узил-кесил иш ҳақи олувчи ходимлар учун, 2-иловада назарда тутилган шкалани ҳисобга олган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақидаги тенг миқдорларда купонлар берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, «Ўзкооптайёрловсавдо», Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки товарларни республика чек дафтарчалари ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича сотиш қоидаларини тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Тошкент полиграфия комбинатининг ижарачи корхонаси 1992 йилнинг 1 чорагида республика чек дафтарчаларини ва ҳисоб-китоб чекларини 1992 йил учун зарур миқдорда тайёрлашни таъминласинлар, бунда 1992 йилнинг апрель ойидан бошлаб улар бўйича сотиладиган товарларнинг турларини кенгайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси:

1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бозор фондининг 40 фоизгача ҳажмидаги автобензинни тижорат нархлари бўйича сотишни жорий қилсин;

автобензиннинг тижорат савдосини амалга оширувчи автоёнилғи қуйиш станцияларининг сонини ва жойлашишини аниқласин.

Белгиланснинки, автобензинни тижорат нархларида сотишдан олинадиган қўшимча тушумларнинг 90 фоизи республиканинг давлат бюджетига, 10 фоизи эса Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитасига ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат бош солиқ бошқармаси автобензинни тижорат нархлари бўйича сотиш, тижорат нархлари белгилаш ва тижорат бўйича сотишдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўрисида Вақтинчалик низомни тасдиқласинлар.

Автобензинга тижорат нархлари белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш республика комиссияси тасдиқлансин, унга сотиш нархлари ўзгаришига қараб, автобензин учун тижорат нархларига, 4-иловага мувофиқ тезлик билан аниқликлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Мазкур қарорни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон системасини жорий қилиш Республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин (5-илова).

11. Ушбу қарорни бажариш мақсадида корхоналар, муассасалар ва хўжаликларнинг раҳбарлари тегишли хизматларнинг 1992 йилнинг 4 ва 5 январдаги дам олиш кунларида ишлашини ташкил этсинлар, кейинчалик уларни Қонунда белгиланган тартибда компенсация қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси жойларда ушбу қарорнинг оғишмай амалга оширилишини таъминласинлар, бунинг учун аҳоли ўртасида зарур ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио қўмитаси, ЎзТАГ, республика газеталари муҳарририятлари ушбу қарордан келиб чиқадиган қоидаларни кенг тушунтириш бўйича кўрсатувлар, эшиттиришлар ва материаллар туркумини ташкил этишни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш комплексларнинг раҳбарларига — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарларига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

(Вазирлар Маҳкамаси қарорига иловалар газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

«Халқ сўзи» таҳририяти маълум қиладики, қоғоз нархи қимматлашгани муносабати билан рўзноманинг янги чакана нархи белгиланди. Бу йил ҳар бир сон 25 тийиндан сотилади.

Обуна нархи ҳам ўзгарди:

бир йилга — 38 сўм 40 тийин;

тўққиз ойга — 28 сўм 80 тийин;

олти ойга — 19 сўм 20 тийин;

уч ойга — 9 сўм 60 тийин;

бир ойга — 3 сўм 20 тийин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 1-илова

КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА ТОВАРЛАРНИ СОТИШ, УЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар* 1992 йилнинг 1 чораги учун ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

2. Купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

* Бундан кейин купонлар деб аталади.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, тижорат, матлубот кооперацияси тизимида, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи товар алмашув операциялари бўйича ва валютага сотиб олувчи ва уларни ўз ходимларига сотувчи корхоналарда ва ташкилотларда купонлар бўйича мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилгандардан ташқари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сотилади.

Купонлар билан тўлаш товарлар қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш билан бир вақтда карточкадан купонларнинг эквивалент суммасини қирқиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳудудида жойлашган магазинлардаги товарлар;

тижорат нархлари бўйича сотиладиган нефть маҳсулотлари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар хил хизматлар кўрсатиш;

5. Купонлар билан бир вақтда, чеклар, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий счётларидан пул ўтказиш йўли билан республика аҳолисига қиймати 5000 сўмдан кўп бўлган товарлар сотилади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқаларнинг чакана савдо шохобчаларидан нақд пулга купонсиз товар сотиши тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ўтмайди.

7. 50 тийинга тенг бўлган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисоб-китоб купонсиз амалга оширилади. Сўм ва тийинда ифодаланган харид учун ҳисоб-китоб купон билан тўланаётганда йириклаштириш қоидаларига кўра сўм ҳисобида тегишли суммагача йириклаштирилади (50 ва ундан кам бўлган тийин кам томонга, 51 ва ундан кўп тийин кўп томонга).

8. Савдо корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, автоёқилғи қуйиш станцияларида купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш билан тўланади, улар ўзларининг номинал қийматлари бўйича гуруҳларга ажратилади ва иш куни давомида корхонанинг моддий жавобгар шахсида (сотувчи, кассир, кассир-назоратчи), корхонада товарларнинг сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади.

9. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек, корхоналарда ва ташкилотларда амалга ошириладиган алмашув операциялари натижасида ва валюта учун олинган товарларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон билан икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

10. Тушум суммасининг сўм ва купон ҳисобида бирбирига тўғри келиши учун масъулият савдо корхонасининг раҳбари зиммасига юклатилади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган фарқ фоизи тегишли банк органлари билан келишилган ҳолда юқори савдо ташкилоти томонидан белгиланади.

11. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш, унинг ҳаракати ва топшириш тартиби Ўзбекистон Давлат банки, Саноат қурилиш банки, Деҳқончилик саноат банки, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо» ва Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

12. Купонлар:

асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, пенсиялар, ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умумий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчилардан бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхоналар ва ташкилотлардан стипендия олувчи студентларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва шу тўловдан тушган даромад ҳисобига таъминловчи ташкилотлар купонни умумий асосларда банкдан оладилар.

Республика ҳудудида жойлашган, лекин иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа ҳудудлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи учун ведомостлар кўрсатилгач берилади.

Ўриндошлик билан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича, иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

13. Жорий ойда фойдаланилмай қолган купонлардан кейинги ойларда фойдаланиш мумкин.

Ходимларга таътил маблағлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг суммаси ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисобланаётган суммалар асосида аниқланади.

Банклар ва корхоналар берган кредитлар, шунингдек, суғурта органлари томонидан тўланадиган суммалар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР ҲАЖМИ

14. Бериладиган купонлар миқдори 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ҳисобланувчи қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаб) миқдорига боғлиқ бўлади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштиради (5 сўмгача — кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда — кўп томонга).

Купонлар бир ойда бир марта берилади.

Купонларни дастлабки бериш 1992 йил 9 январгача, 1991 йил декабрь ойи учун тўланадиган иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа молиявий даромадлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда, ушбу даромадларнинг 1992 йилда ошишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Февраль ойи учун купонлар 1992 йил 16 февралгача, март ойи учун 16 мартгача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда берилади.

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёҳуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек, республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар уларни олишга рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида шкала билан белгиланган миқдорда берилади (2-илова). Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосида яшаш жойидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмитасида берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Совет Армияси сафларидан демобилизация қилинган ва вақтинча (уч ойгача) ишламайдиган ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча (бир ойгача) ишлаймайдиган фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек, қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча (бир ойгача) ишламайдиган фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмитаси ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси, озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатномани кўрсатиб, банк муассасаларидан 150 сўм миқдорида купон оладилар.

«Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1991 йил 25 мартдаги 65-сон қарорига мувофиқ нафақа олувчи вақтинча ишламайдиган аҳолига купонлар 150 сўм миқдорида берилади. Бу Қонун қабул қилингандан кейин расман ишсиз мақомини олган фуқароларга купонлар белгиланган нафақанинг 100 фоизи миқдорида берилади.

Болага қараётганлиги учун таътилда бўлган аёллар ҳар ойда иш жойидан нафақа ва бошқа даромадларнинг, компенсация ҳам шу жумлага киради, 100 фоизи миқдорида купонлар оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан 150 сўм миқдорида берилади.

Мавсумлар орасида мавсумий ишлаф билан банд бўлган фуқаролар купонларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берган рухсатнома асосида яшаш жойларидан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Даромад манбаига эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорида берилади.

Бензин учун пул компенсацияси олувчи ногиронларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида компенсация олинадиган жойда йилнинг ҳар чорагида бир марта берилади.

Болалар ассортименти товарларининг қимматлашганлиги учун нафақа олувчи болаларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар етказилганлиги муносабати билан фуқароларга бериладиган моддий ёрдам пули учун купонлар тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик миқдорида белгиланган шкала бўйича (2-илова) берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда ишловчилар сифатида берилади.

Иш ҳақини сўмларда олмовчи, бироқ республикада яшовчи ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютани белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) купон олган ҳолда тижорат курси бўйича сўмларга алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ўқув юртларида ўқиётган чет эл фуқароларига купонлар тўланадиган стипендиянинг 100 фоизи миқдорида берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани купон олган ҳолда сўмларга алмаштириш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган, оила аъзолари республикада доимий яшаётган фуқаролар хизматни ўтаётган жойидан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан белгиланган шкала бўйича (2-илова) миқдорларда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида кўчиб ишлаб юрувчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларни кўрсатгач, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купонларни оладилар.

1 гуруҳ ногиронларга, шунингдек, интернат уйларда яшовчи ва тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган пенсия миқдорида берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказо ҳисобига мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлари юзасидан оладилар.

Етим болалардан ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалардан бўлмиш талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Мувақкат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек, пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан берилган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўрикдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда 150 сўмлик купон берилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимлари иш жойидан купонларни таътилга чиқишдан олдинги охирги ойда олинган белгиланган даромадлар суммасидан белгиланган шкала бўйича миқдорида (2-илова) оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган сумманинг тўла миқдорида купонлар билан таъминланадилар.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга (бир ойдан кўп) хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар белгиланган шкала бўйича миқдорда купонлар (2-илова) билан таъминланади.

15. Купонли карточкалар муомалага бланканинг 10, 25, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик номинал қиймати билан чиқарилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларидан купонли карточка беришда купонлар суммаси йириклаштириш қоидалари бўйича (5 сўмгача кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда кўп томонга сўмларда тегишли суммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош бухгалтернинг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар ва карточкалар тикланмайди.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Купонлар республика ҳудудида жойлашган барча банк муассасаларида, шу жумладан, тижорат банкларида берилади.

17. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади ҳамда унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхоналар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида ҳисобга олинади. У номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар купонларни олиш ва бериш ҳуқуқини берувчи кирим-чиқим накладнойлари, сарфланган касса ордерлари ва тўлов ведомостлари орқали амалга оширилади.

18. Олувчига берилган купонларнинг номинал суммаси иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни беришда тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) олдиндан берилган буюртмаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасаларидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа корхоналари уларга купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар суммаси алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан резерв ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади сарфланган қоғоз пулларнинг номинал қийматидан (яъни 1 сўмлик 1 купон учун — пул билан 1 сўм) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган суммасини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади, унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Купонларни ҳар гал навбатдаги олиш учун корхона олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

19. Олинган купонларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда сақлаш қимматбаҳо қоғозларни сақлаш тўғрисидаги йўриқнома ҳамда «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Купонларнинг кирим дафтарига қайд қилиниши номинал қиймати бўйича кирим-чиқим накладнойлари асосида юритилади ва ҳисобга олиш 004 — «Қатъий ҳисобдаги бланклар» балансдан ташқари счётда амалга оширилади.

Давлат солиқ органлари кооперативлар, кичик корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа бўлинмаларни молиявий та гиш қилганларида мажбурий тартибда олинган купонлар суммасининг иш ҳақи бериладиган тўлов ведомостларига мувофиқ келишини текширадилар.

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи ва текширувчи органлар ушбу тартибнинг бажарилишини назорат қилишга бурчлидирлар.

Купонларни бериш тугаллангандан кейин, бироқ улар банкдан олингандан 5 кун ўтмасдан, купонларни сақлаш ва бериш учун жавобгар шахс уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузади. Корхона бухгалтерияси купонларнинг олиниши ва бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни текширишни амалга оширади.

20. Купонли карточкалар Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг буюртмаси билан босиб чиқарилади. Купонларни босиш, ҳисобга олиш, ташиш ва банкда сақлаш Ички ишлар вазирлиги, инкассация республика бошқармаси ҳамда уларни босиб чиқарувчи корхоналарнинг махсус назоратида бўлади.

Карточкаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия учёти ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

21. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хом ашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш барча банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

24. Сохта купонлари ясаш сохта давлат хазина билетларини ясашга тенг даражада қонун билан тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 2-илова

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ДАРОМАДЛАР БЎЙИЧА КУПОНЛАР БЕРИШ СУММАСИНИ [illegible]ЛАШ ШКАЛАСИ

Иш ҳақлари, пенсиялар ва бошқа белгилаб қўйилган даромадлар миқдори (солиқларсиз ва бошқа чегиришларсиз), сўм	Купонлар бериш миқдори, %
500 сўмгача	100
501—1500	500 сўм + 500 сўмдан ошган сумманинг 70 фоизи
1501—2000	1200 сўм + 1500 сўмдан ошган сумманинг 50 фоизи
2001—2500	1450 сўм + 2000 сўмдан ошган сумманинг 20 фоизи
2500 ва ундан кўп	1550 сўм + 2500 сўмдан ошган сумманинг 10 фоизи

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 3-илова

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Белгиланган нормалар бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган товарлар:
ун
макарон маҳсулотлари
гуруч
мол ёғи
чой
қанд-шакар
тухум
гўшт ёки гўшт консервалари
ароқ
кир совун
калишлар
ип-газлама матолар (чит ва хомсурп)

болалар ассортименти (янги туғилган чақалоқлар учун комплект; ўғил болалар учун кўйлак ва шимлар; қиз болалар учун кўйлак ва юбкалар; 12 ёшгача бўлган болалар оёқ кийимлари; болалар пайпоқ буюмлари ва колготкалар

2*. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)
Кўмир, ўтин
Омухта ем, кунжара, шулха, барда, пиво қуйқаси
Гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар
Илгари фойдаланилган, воситачи магазинларда сотиладиган товарлар

Келин-куёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги товарлар, шунингдек, маросимлар учун кўзда тутилган товарлар (маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталарининг маълумотномалари бўйича)

Матбаачилик маҳсулотлари

Дорихоналарда, «Оптика» магазинларида сотиладиган дори-дармон воситалари ва бошқа товарлар, протез-ортопедия корхоналарининг маҳсулотлари

Топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алмаштириб сотиладиган товарлар

Кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган ва улар ўзлари мустақил равишда сотадиган товарлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган ва колхоз бозорида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари.

* Талон ва купонлар кўрсатилмасдан сотиладиган товарлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 4-илова

АВТОБЕНЗИН УЧУН ТИЖОРАТ НАРХЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳаққулов Қ. Ж. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — комиссия раиси

Мўминов Ё. Т. — Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси — комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Саидумархўжаев А. С. — Давлат нархлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Гуськова Т. Н. — Молия вазирининг биринчи ўринбосари

Тошхўжаев Х. Х. — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Йўлдошев А. Т. — Молия вазирлиги Бош бюджет бошқармасининг бошлиғи

Сноведская А. И. — Давлат нархлар қўмитасининг бўлим бошлиғи

Цхай В. П. — Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси иқтисодий ривожланиш ва молия бўлимининг бошлиғи, комиссия котиби

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 5-илова

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б. С. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — умумиқтисодиёт комплекси раҳбари

Муталов А. М. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизматлар комплексининг раҳбари

Самандаров Э. С. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари

Отажонов А. Р. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — меҳнат вазири

Боқибоев Э. Ж. — молия вазири

Усмонов М. З. — савдо вазири

Волков Г. Г. — Ўзбекбирлашув раиси

Муллажонов Ф. М. — Ўзбекистон давлат банки бошқаруви раиси

Азимов Т. С. — Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бошқаруви раиси

Аҳадов А. А. — Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки бошқаруви раиси

Раҳматуллаев У. Қ. — Ўзбекистон жамғармалар банки бошқаруви раиси

Хўжаева С. А. — ижтимоий таъминот вазири

Раҳимов К. Р. — алоқа вазири

Алматов З. А. — ички ишлар вазири

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси

Ҳаитбоев Э. Қ. — ЎзТАГ директори

Ҳайдаров Т. Ҳ. — республика пенсия фонди раиси

Аҳмедов Қ. А. — Давлат нархлар қўмитаси раиси

Мўминов Ё. Т. — Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТАН ОЛИНДИ

Жазоир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганини инобатга олади ва унинг таркибидаги ҳар бир давлатни расмий равишда танийди. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатларнинг танглик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, улар билан муносабатда куч ишлатмаслик, ҳудудий яхлитликни ва чегаралар бузилмаслигини ҳурмат қилиш қоидаларига асосланган ҳуқуқий давлатларни барпо этиш нияти хусусида қувонч ва мамнуният изҳор этади.

* * *

Бангладеш Халқ Республикасининг элчихонаси ўз мамлакати раҳбариятининг топшириғини адо этиб, Бангладеш Республикасининг ҳукумати мустақил Ўзбекистон Республикасини тан олганини эълон қилди ва бу қарор дарҳол кучга кирганини билдирди. Фаол ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш умиди изҳор этилди.

* * *

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Санг Окнинг хабар қилишича, унинг мамлакати ҳукумати Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб тан олди. Аввалги совет республикалари бошлиқларининг Олмаотадаги учрашуви натижаларидан мамнуният изҳор этилди, Ўзбекистон Республикасининг собиқ СССР тузган шартномалар ва битимлардан келиб чиқадиган ўз халқаро мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги Олмаота декларациясида изҳор этилганлиги алоҳида таъкидланган. Корея Республикасининг ҳукумати мустақил Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ва ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга астойдил аҳд қилганини билдирди.

(ЎзТАГ).

Пойтахт ҳаёти

ЖАМҒАРМАДА КЎРГАЗМА-САВДО

ЎЗБЕКИСТОН Маданият жамғармаси ҳовлисидаги эски бино таъмирланиб, амалий ва тасвирий санъат асарлари кўргазма-савдоси очилди. Кенг хонадан халқ ҳунармандчилиги буюмлари ўрин олган. Бу ерда халқ усталари қўлидан чиққан сопол шамдондан тортиб хуржунгача, Хоразм гиламларидан тортиб ўзбек миллий дўппиларигача бор.

Кўргазмани томоша қилгани келган пойтахтликлар истаса, бу ердан қуруқ қайтмай, дидларига ёққан буюмни харид қилиб олишлари мумкин. Маданият жамғармаси бошқаруви кўргазма-савдо кўламини талаблар даражасида кенгайтириш мақсадида сопол идиш ва безаклар, гилам ҳамда дурадгорлик (бешик ва унга асбоблар тайёрлайдиган) цехлари қуришга киришди. Бу цехлар янги йилнинг ёзидан маҳсулот бера бошлайди. Савдодан тушган маблағнинг бир қисми Маданият жамғармаси фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштиришга сарфланади.

ХИТОЙ ТЕРМОСИ КУПАЯДИ

«ТАШИНТЕРМ» ўзбек-хитой қўшма корхонаси ишлаб чиқариш қувватини бир маромда ошириб бормоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашиб, даромад кўпаймоқда. Бу эса корхонани кенгайтириш, ишчи-хизматчилар маошини ошириб, иш шароитларини яхшилашга ёрдам бераётир.

Томонлар ўзаро келишиб ишлаб, шартнома бандларини тўла бажараётганлари туфайли корхона йилига миллион дона Хитой термослари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб қолди. Энди пойтахтда бундай қулай термослар тақчиллиги барҳам топади. Корхонада тайёрланаётган термосларнинг 2 фоизи бир қатор хорижий мамлакатларга ҳам сотилмоқда. Бундан тушган валюта ҳисобига ишлаб чиқариш такомиллаштирилмоқда.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари Орол муаммолари юзасидан, Арманистон Республикаси ҳукумати эса Спитакдаги зилзила оқибатларини тугатиш муаммолари юзасидан махсус битим тайёрлашларига рози бўлинсин.

Минск шаҳрида 1991 йил 30 декабрь куни битта асл нусхада рус тилида тузилган. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматига сақлаш учун топширилади, Беларусь ҳукумати унинг тасдиқланган нусхасини ушбу протоколни имзолаган давлатларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон ҳукуматлари Каспий денгизи балиқ ресурсларини сақлаб қолишга доир махсус битимни тайёрлаётганликлари эътиборга олинсин.

Протокол 1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида рус тилида бир нусха тайёрланди. Асл нусхаси сақлаш учун Беларусь ҳукуматига топширилди, Беларусь ҳукумати ушбу протоколни имзолаган давлатларга протоколнинг асл нусхасига тўғрилиги тасдиқланган нусхаларини юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина ҳукуматларига Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш юзасидан 1992 йилда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар рўйхатини, шу тадбирларни пул билан таъминлаш тартиби ва ҳажмларини аниқлаш ҳамда тегишли битим тузиш таклиф этилсин.

Чернобиль атом электрстанциясидаги авария оқибатларини тугатиш юзасидан ҳамдўстликнинг барча давлатлари инсонпарварлик ёрдами берадилар.

1991 йил 30 декабрь куни Минск шаҳрида битта асл нусхада рус тилида тузилган. Асл нусха сақлаш учун Беларусь Республикасининг ҳукуматига топширилади. У тасдиқланган нусхасини ушбу протоколни имзолаган давлатларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАР ВА ЧЕГАРА ҚУШИНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ

БИТИМИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатлар,

мудофаа ва хавфсизлик масалаларини, шу жумладан ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар чегараларини қўриқлаш масалаларини ўзаро мақбул ҳал этиш зарурлигига асосланиб,

қуйидагиларга рози бўлдилар:

1. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ўз қуролли кучларини вужудга келтириш қонуний ҳуқуқлари эканини тасдиқлайдилар.

2. Қуролли кучлар бош қўмондонлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳамдўстлик давлатлари миллий қонунларини ҳисобга олиб, умумий қуролли кучларни бошқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек ҳамдўстлик давлатларининг ўз қуролли кучларини вужудга келтириш ҳуқуқларини амалга оширишнинг навбати тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин ва ҳал этилсин. Украина учун ўз қуролли кучларини барпо этиш 1992 йил 3 январдан бошлансин.

3. И. Я. Калиниченко чегара қўшинлари бош қўмондони этиб тайинлансин.

4. Чегара қўшинлари бош қўмондонига ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг раҳбарлари билан биргаликда ҳамдўстлик давлатлари миллий қонунларини ҳисобга олиб, чегара қўшинлари фаолияти воситасини икки ой муддатда ишлаб чиқиш топширилсин, чегара қўшинлари фаолиятининг воситаси келишиб олинган давлатлар бундан мустаснодир.

1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида озарбайжон, армани, беларусь, қозоқ, қирғиз, молдован, рус, тожик, туркман, ўзбек ва украин тилларида бир нусха тайёрланган ҳамма матнлар бир хил кучга эга. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади, Беларусь ҳукумати ушбу битимда қатнашувчи давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан умумий қуролли кучларни 2 ой муддатда Озарбайжон Республикасига албатта топшириш шарти билан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Ўзбекистон Республикаси номидан мустақил қуролли кучларга эга бўлиш шарти билан
И. КАРИМОВ

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИ ВА ҲУКУМАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ

БИТИМ

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар,

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги 1991 йил 8 декабрь битими ҳамда шу битимга оид 1991 йил 21 декабрь протоколи мақсадлари ва қондаларига амал қилиб,

ҳамдўстлик давлатларининг ҳамдўстликнинг умумий мувофиқлаштирувчи муассасалари орқали фаолиятни биргаликда амалга ошириш истагини эътиборга олиб,

мазкур битим қондаларини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш учун тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни самарали равишда мувофиқлаштиришни таъминлай оладиган ва шу ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклаша оладиган тегишли давлатлараро ва ҳукуматлараро муассасаларни таъсис этиш зарур деб ҳисоблаб,

қуйидагилар ҳақида бир битимга келдилар:

1-МОДДА

Давлатлар бошлиқларининг Кенгаши олий орган бўлиб, унда ҳамдўстликда қатнашувчи барча давлатларнинг вакиллари ҳамдўстлик давлатларининг умумий манфаатлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган принципиал масалаларни муҳокама қилиш учун давлат бошлиқлари даражасида қатнашадилар.

Кенгаш мазкур битимни ривожлантириб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимда ҳамда бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган масалаларни, жумладан ССР Иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатганлиги ва иттифоқ тузилмалари тугатилганлиги муносабати билан вужудга келган ҳуқуқий ворислик муаммоларини муҳокама қилишга ҳақлидир.

Давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг фаолияти битимда қатнашувчи давлатларнинг давлат суверенитетини ва суверен тенглигини, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқини, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан дўқ қилишдан воз кечиш, ҳудудий яхлитлик ва мавжуд чегаларларнинг бузилмаслиги, низоларни тинч бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларни ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган бошқа қоидалари ва меъёрларини виждонан бажариш қоидалари асосида амалга оширилади.

2-МОДДА

Давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг фаолияти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим билан, ушбу битим билан ҳамда уларни ривожлантириб қабул этиладиган битимлар билан, шунингдек мазкур муассасаларнинг тартиб қоидалари билан тартибга солинади.

Кенгашда ҳар бир давлат бир овозга эга бўлади. Кенгашнинг қарорлари ҳамманинг розилиги — якдиллик билан қабул этилади.

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг давлат тиллари Кенгашларнинг расмий тилларидир.

Иш тили рус тилидир.

3-МОДДА

Давлатлар бошлиқларининг Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгаши энг муҳим ички ва ташқи масалаларни муҳокама қиладилар ҳамда зарурратга қараб шу масалалар юзасидан қарорлар қабул қиладилар.

Ҳар қандай давлат у ёки бу масаладан ўзининг манфаатдор эмаслигини билдириши мумкин.

4-МОДДА

Ҳамдўстликдаги давлатлар бошлиқларининг Кенгаши йилда камида икки марта мажлисга йиғилади. Навбатдаги ҳар бир мажлиснинг қачон ўтказилиши ва дастлабки кун тартиби ҳақидаги қарор, агар Кенгаш бошқа тўхтамга келмаса, Кенгашнинг галдаги мажлисида қабул қилинади. Давлатлар бошлиқлари Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳамдўстликдаги давлатлар бошлиқлари кўпчилигининг ташаббуси билан чақирилади.

Кенгаш мажлисида давлатларнинг бошлиқлари ҳамдўстлик давлатлари номларининг русча алифбе тартибида галма-гал раислик қиладилар.

Давлатлар бошлиқлари Кенгашининг мажлислари қоида тариқасида Минскда ўтказилади. Ҳамдўстлик қатнашчилари ўртасидаги келишувга мувофиқ Кенгашнинг мажлиси ҳамдўстликдаги давлатлардан бирида ўтказилиши мумкин.

5-МОДДА

Ҳамдўстлик ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши уч ойда камида бир марта мажлисга йиғилади. Навбатдаги ҳар бир мажлиснинг қачон ўтказилиши ва дастлабки кун тартиби тўғрисидаги қарор, башарти Кенгаш бошқа тўхтамга келмаса, Кенгашнинг галдаги мажлисида қабул қилинади.

Ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳамдўстликдаги давлатлар ҳукумат бошлиқлари кўпчилигининг ташаббуси билан чақирилади.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Кенгашнинг мажлисларида ҳамдўстликдаги давлатлар номларининг русча алифбе тартибида навбатма-навбат раислик қиладилар.

Ҳукуматлар бошлиқларининг мажлислари қоида тариқасида Минскда ўтказилади. Ҳукуматлар бошлиқлари ўртасидаги ҳаҳдлашувга биноан Кенгашнинг мажлиси ҳамдўстликдаги давлатлардан бирида ўтказилиши мумкин.

6-МОДДА

Ҳамдўстликдаги давлатлар давлат бошлиқлари Кенгаши билан ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши қўшма мажлислар ўтказиши мумкин.

7-МОДДА

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг давлат бошлиқлари Кенгаши, ҳукумат бошлиқлари Кенгаши қарорига биноан доимий ёки муваққат асосда ишчи ва кўмакчи органлар тузилиши мумкин.

Улар ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг мухтор вакилларидан тузилади. Уларнинг мажлисларида қатнашиш учун экспертлар ва маслаҳатчилар жалб этилиши мумкин.

1991 йил 30 декабрь куни Минск шаҳрида бир нусхада озарбайжон, армани, беларусь, қозоқ, қирғиз, молдован, рус, тожик, туркман, ўзбек ва украин тилларида тузилди. Барча матнлар баб-баравар кучга эга. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади. Беларусь Республикасининг ҳукумати унинг тасдиқланган нусхасини ушбу битимда қатнашувчи давлатларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА СТРАТЕГИЯ ҚУЧЛАРИ ЮЗАСИДАН

БИТИМ

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина (буёғида улар «Ҳамдўстликда Қатнашувчи Давлатлар» деб юритилади) стратегия кучларини бошқариш ва ядро қуроли устидан яғона назорат соҳасидаги масалаларни ўзаро келишиб ва ташкилий равишда ҳал этиш зарурлигига амал қилиб қуйидагиларни аҳдлашиб олдилар:

1-МОДДА

«Стратегик кучлар» ибораси стратегик вазифаларни бажарувчи ракета қўшинларининг, ҳарбий-ҳаво кучларининг, ҳарбий-денгиз флотининг, ҳаво ҳужумидан мудофаанинг, космик воситалар бошлиғи бошқармасининг, ҳарбий десант қўшинларининг, стратегик ва оператив разведканинг бирлашмалари, қўшилмалари, қисмлари, муассасалари, ҳарбий ўқув юртлари, ядро-техника қисмлари, шунингдек собиқ ССР Иттифоқи стратегик кучларини бошқариш ва таъминлаш учун мўлжалланган кучлар, воситалар ва бошқа ҳарбий иншоотларни билдиради (Ҳамдўстликда қатнашувчи ҳар бир давлат учун рўйхат алоҳида протокол билан белгиланади).

2-МОДДА

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ССР Иттифоқи халқаро шартномаларига риоя қилиш ҳамда халқаро хавфсизлик, қуролсизланиш ва қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида ўзаро келишилган сиёсатни ўтказиш, қуроллярғлар ва қуролли кучларни қисқартириш дастурини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш мажбуриятини оладилар. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар мазкур шартномалар бажарилиши кафолатларини ҳамда уларни бажариш воситаларини ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида ўзаро, шунингдек илгари ССР Иттифоқи таркибига кирган ва ҳамдўстликка қўшилмаган бошқа давлатлар билан дарҳол музокара бошлайдилар.

3-МОДДА

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар стратегия кучларига бирлашган қўмондонлик зарурлигини ҳамда собиқ ССР Иттифоқи қуролли кучларининг ядро қуроллари ва бошқа оммавий қирғин қуроллари устидан ягона назоратни сақлаб қолиш зарурлигини эътироф этадилар.

4-МОДДА

Ядро қуроли тўла-тўкис тугатулгунга қадар уни қўлланиш зарурлиги тўғрисида Россия Федерацияси Президенти томонидан Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Украина бошлиқлари билан келишиб, ҳамдўстликда қатнашувчи бошқа давлатларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашиб қарор қабул қилинади.

Ядро қуроли тўла-тўкис тугатиладиган давргача Украина ҳудудида жойлаштирилган ядро қуроллари ундан фойдаланмаслик ва 1994 йилнинг охирига бориб бу қуролларни, шу жумладан 1992 йилнинг 1 июлига қадар тактик ядро қуролларини бўлакларга ажратиб ташлаш мақсадида стратегия кучлари бирлашган қўмондонлиги назорати остида бўлади.

Беларусь Республикаси ва Украина ҳудудида жойлаштирилган ядро қуролларини йўқ қилиб ташлаш жараёни Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина иштирокида ҳамдўстлик давлатларининг биргаликдаги назорати остида амалга оширилади.

5-МОДДА

Стратегия кучларининг мақоми ва уларда хизматни ўташ тартиби махсус битим билан белгиланади.

6-МОДДА

Ушбу битим имзоланган пайтдан кучга киради ва ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг ёки ҳамдўстлик давлатлари бошлиқлари кенгашининг қарори билан амал қилиш тўхтайди.

Ушбу битимнинг кучи ҳудудидан стратегия кучлари олиб чиқиб кетиладиган ёки ядро қуроли олиб кетиладиган ҳамдўстлик давлатларига нисбатан тўхтатилади.

1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг давлат тилларида бир нусхада тузилган.

Барча матнлар бир хил кучга эга. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади, Беларусь Республикасининг ҳукумати ушбу шартномада қатнашувчи давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан пул билан таъминлашни истисно этган ҳолда
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан пул билан таъминлашни истисно этган ҳолда
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

КОСМИК ФАЗОНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ ҲАҚИДА

БИТИМ

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар,

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг тараққиёти учун космос фани ва техникасининг катта аҳамиятини қайд этиб,

халқ хўжалиги ва илм-фан манфаатлари, шунингдек, ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг мудофаа қобилияти ва коллектив хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида космик фазони самарали тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш учун куч-ғайратларни бирлаштириш зарурлигини тан олиб,

космик фазони тадқиқ қилиш ва фойдаланиш соҳасида СССР илгари ўз зиммасига олган халқаро битимлар ва мажбуриятларга қатъий риоя этилиши зарурлигини тасдиқлаб,

космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги биргаликда фаолият ҳақида битим қабул этилиши уни имзолаган давлатларнинг манфаатларига хизмат қилади деб ҳисоблаб,

қуйидагилар ҳақида битимга келдилар:

1-МОДДА

Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолиятни ушбу битимда қатнашувчи давлатлар давлатлараро дастурлар асосида амалга оширадилар.

2-МОДДА

Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш давлатлараро дастурлари амалга оширилишини ушбу битимда қатнашувчи давлатларнинг мухтор вакилларидан тузиладиган Давлатлараро космос кенгаши мувофиқлаштириб туради. Кенгаш тўғрисидаги низом ҳукумат бошлиқларининг қарори билан тасдиқланади.

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида мустақил дастурларга эга бўлишлари мумкин.

3-МОДДА

Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш давлатлараро дастурларининг ҳарбий ва иккиёқлама (ҳарбий ва фуқаро) мақсадларига мўлжалланган космик воситалари қисмининг бажарилишини бирлашган стратегик қуролли кучлар таъминлайди.

4-МОДДА

Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш давлатлараро дастурлари ушбу битимда қатнашувчи давлатлар қўшадиган улуш жамғармалари ҳисобидан пул билан таъминланади ҳамда космик инфраструктуранинг мавжуд ҳамда янги барпо этиладиган космик комплекслари ва иншоотлари («Бойқўнғур» ва «Плесецк» космодромлари, техник, учириш, қўндириш комплекслари, учирувчи ракеталарнинг ажралиб чиқадиган қисмлари тушадиган районлар, космик объектларнинг учишини бошқариш марказлари, космонавтлар тайёрлаш маркази, команда, ўлчов комплекслари, ахборот қабул қилиш ва таҳлил этиш пунктлари, омборлар ва бошқа иншоотлар) асосида амалга оширилади.

Ушбу битимда қатнашувчи давлатларнинг мустақил дастурларини бажариш учун мазкур инфраструктурадан фойдаланиш манфаатдор томонларнинг алоҳида битимлари билан белгиланади.

5-МОДДА

Халқ хўжалиги, фан ва ҳарбий соҳаларга мўлжалланган мавжуд космик системаларни ишлатиш ва янгиларини барпо этиш, ноёб синов базасини сақлаш чиқимлари, шунингдек тижорат асосида амалга оширладиган космик аппаратларни учиришдан олинадиган фойда ушбу битимда қатнашувчи давлатлар қўшган ҳиссага мувофиқ тақсимланади.

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ўз фаолияти учун махсус битимда белгиланган шартлар асосида ва тартибда масъул бўладилар.

6-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ўз фаолиятини амалдаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиш соҳасидаги ўз куч ва ғайратларини мувофиқлаштириб туриш мажбуриятини оладилар.

7-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш давлатлараро дастурларини пул билан таъминлашда ҳисса қўшиб қатнашиш, иншоотлар, ҳудудлар, моддий энергетика ресурсларини бериб қўйиш, космик техникадан фойдаланганлик муносабати билан етган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибини, шунингдек, битимда қатнашувчи бир ёки барча давлатлар томонидан уни бекор қилиш тартибини белгилайдиган баҳамжиҳат қарорлар қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

8-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш давлатлараро дастурларини бажаришга жалб этиладиган субъектлар ва объектларни зарур моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш, давлат йўли билан тартибга солиш ва солиқ ундириш пайтида уларга имтиёзлар бериш, шунингдек иқтисодий мадад бериш ва ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш мажбуриятини оладилар. Улар давлат бюджетларини тузиш пайтида 1992 йилдан бошлаб давлатлараро дастурларни амалга ошириш учун зарур маблағ ажратишни кўзда тутиш мажбуриятини оладилар.

9-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар космик инфраструктура иншоотларини профессионал кадрлар билан таъминлаш учун олий таълим тизимида, илмий-тадқиқот институтларида ва Фанлар академияларида шу йўналишдаги малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мажбуриятини оладилар.

10-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар ўз ҳудудларида жойлашган космик комплекслар ва космик инфраструктура иншоотларининг нормал ишлашига халал берадиган (қийинлаштирадиган) қарорлар қабул этмайдилар ва шундай ҳаракатлар қилмайдилар.

Улар қабул этилган давлатлараро дастурлар доирасида ракета-космос техникасини лойиҳалаштириш, яратиш, синаб кўриш ва пишиқтириш соҳасидаги мавжуд фан-техника ва ишлаб чиқариш қувватини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш мажбуриятини оладилар.

11-МОДДА

Ушбу битимда қатнашувчи давлатларнинг розилиги билан унга бошқа давлатлар ҳам қўшилишлари мумкин.

12-МОДДА

Битим имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Минск шаҳрида 1991 йил 30 декабрь куни ушбу битимда қатнашувчи давлатларнинг давлат тилларида битта асл нусхада тузилди.

Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади. Беларусь Республикасининг ҳукумати унинг тасдиқланган нусхасини ушбу битимда қатнашувчи давлатларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ.

Тадбиркорларга кенг йўл!

«ЗИЛОЛ СУВ»НИНГ САҲОВАТИ

● 1991 йилнинг иккинчи ярми бошида Наманган вилоятидаги механизациялашган 480-кўчма колонна негизида «Зилол сув» лойиҳалаш-қурилиш акционерлик фирмаси ташкил этилганди. Меҳнат аҳли ўтган қисқа муддат мобайнида қарийб 9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширib, бу соҳадаги режани зиёда билан бажарди. Хусусан, уларнинг куч-ғайратлари туфайли Наманган районидаги Шўрқўрғон қишлоғида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида бош водопровод иншоотн қурилиб фойдаланишга топширилди, қатор қудуқлар қазилди, яйловлар таъмирланди.

Йил якунида жамоада 750—800 минг сўм фойда олинганлиги туфайли жами ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш имкони яратилаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ улар бепул овқатланмоқдалар. Ногиронлар, фахрийлар эса хайрия фонди кўмагидан баҳраманд бўлишаётир.

— Бизнинг эшигимиз мутахассислар учун ҳамиша очиқ,— дейди фирма бош директори Турғун Ҳошимов. — Уларни юқори —ойига минг сўмгача иш ҳақи билан таъминлашга кафолат берамиз.

СУРАТЛАРДА: 1. Фирмага қарашли лимонарий ходими Мажидхон Маматов. 2. Янги ошхонанинг ташқи кўриниши.

А. КОВТУН олган суратлар. (ЎзТАГ).



Таассуф

ТАРКИ ОДАТ АМРИ МАҲОЛМИ?

Ҳаммаси аввалгидек — эски ҳамом, эски тос бўлди: «Янги йилингиз билан!», Энг самимий истаклар билдирилди, орзуларнинг ушалиши тилаанди. Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик майдонида, Ленин ҳайкали қаршисида Россия ўрмонидан жабран қирқиб келтирилган арча [бўйи роппа-роса йигирма қўлоч] зебу зийнатларга бурканди. Уша — ўзимизга таниш Қорбобо. Ҳар гал халтасида ул-бул бўларди, бу сафар бўм-бўш кўринмасин дея увада тиқиб олганми, тош-пош солиб тўлдирганми — буниси унинг ўзигаю у сиғинган—Исо. [Иисус Христос]га маълум, холос. Малласоч Қорқизнинг-да кайфияти унчалик эмас — ахир шоколад нари турсин, оддий парварда анқонинг уруғи, мабодо у топилса ҳам сотиб олишга отасининг қўли бормайди, яхшисининг килоси ўн сўм атрофида.

Ўзбекистон телевиденнеси бизнинг табиатимизга, урф-одатларимизга ёту хилоф, Мустақиллигимизга ярашмайдиган, яъни ғайри маросимнинг тантанасини янги шаронтда зўр бериб таъминлади. 31 декабрь оқшомда бошланган ажойиб-ғаройиб кўрсатувлар 1 январь тонгигача ва яна куну тун давомида Янги йилни олқишлаб, таърифлаб, мадҳ этиб, одамларни ухлатмасликнинг ҳамма йўлларини қилди. Радиомиз ҳам бу соҳада бўш келмади-ю лекин турмуш-тирикчилик масалаларига, дунёвий гапларга кўпроқ ўрин ажратгани дилларни бирмунча равшан торттирди.

Лекин барибир илгариги ҳашаму ҳангома қани! Бонси — даврининг «шаҳаншоҳи» ҳисобланмиш арақнинг уйига ўт тушган: талон билан ойга бир шишасини олсангиз — оласиз, бўлмаса — йўқ. Гўштнинг килоси 35 сўмдан 60 сўмгача. Бозордаги мева-чева нархини эласангиз тишингиз суғурилгандай сезасиз ўзингизни. Арча пули, унинг тақинчоқлари пули, қолган-қутган майда-чуйданинг пули чақадиган даражада қиммат.

Асосий муддаодан узоқлашганимиз учун узр сўраймиз ва қиссадан ҳисса чиқаришга ўтамиз: Мустақиллигини эълон қилиб мустаҳкамлаб олаётган, умумхалқ сайловида Президентини танлаган, она тилини давлат тили дея эълон қилган, асрий анъаналаримиз тиклаланаётган, қадриятларимиз қадрини топаётган ЎЗБЕКИСТОНда бировларнинг [ўзимизники НАВРЎЗ] янги йилини нишонлаш, бу билан миллатимизни камситиш қачон барҳам топаркин! Тарки одат шунчалик амри маҳолми!

Бу савол жавоби бизу сизга, республика раҳбариятию жамоатчилигига боғлиқ. Ўйлаймизки, келгусида Янги йилимиз 21 мартдан бошланади, Наврўз календари тузилади ва амал қилади.

А. ҒУЛОММИРЗАЕВ.

Ҳажвия - ачитқи

ЎЗИМИЗНИНГ ОДАМ

Ҳалимжон бозорда ишлайди. Кун ёришмасдан, ит ҳурмасдан йўлга чиқади. Агар кечикиб қолса, саҳархез савдогар аёллар патта пулини насия қилиб, пештахталарни эгаллаб олишади. Кейин улардан бир мири олиш учун етти марта сўкиниши, ер билан осмонни айқаш-уйқаш қилиб юбориши керак. Олдинроқ борса, «Бу пештахта зайнит!» деб қўлини киссасига солиб турaверади. Яхшироқ жой— «кўзга яқин» пештахта талаш. Талаш бор жойда албатта орага мулла жиринг «суқиладн». Шунинг учун ҳам у барвақт етиб келиши шарт.

Пул керак бўлса, хотинининг қучоғию ширин уйқудан даромадни устун билса, марҳамат қилиб будильник жиринг этиши биланоқ йўлга чиқсину қандини урсин демоқчисиз-да! Гап бунда эмас! Чунки хотини билан жой айри қилганига анча бўлган. Худога шукур, йигирма йил аввал сотиб олган «хўроз» соатининг саси ҳамсоя кучугининг овозидан баланд. Гап шундаки, у яшайдиган миттирайон (ўрусча қилиб айтганда микрорайон) янги. Автобус қўёш чиққанда бир кўринади, холос. Такси эса бу томонларда қорасини кўрсатмайди. Сабаби—«дом»да яшайдиганлар қурумсоқ бўлар эмиш. Одамлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан бошлаб ўзларининг ижроқўмларигача ёзишди. (Ҳозир аввал юқорига мурожаат қилиш модага кирган). Миттирайонда икки-уч мухбир болалар ҳам туришаркан. Барака топкурлар транспорт машмашасини нақ Орол муаммоси даражасига кўтариб қўйишди.

Ниқоят, миттирайонга митти автобуслар қатнай бошлади. Ҳалимжон ҳар қанча барвақт чиқмасин, бекатда одамлар турган бўлишади. Бир сафар ярим тунда «сенларни шундай қилиб бопламасам бўлмайди» деб ҳаллослаб бекатга етиб келди. Ҳеч ким йўқ. Аввалига анча вақт қўқайиб турди. Кейин «ким ҳам кўрарди» деди-да, дастрўмолчасини асфальтга ёзиб, ўтириб олди. Кўзи илиниб қолибди шекилли, чўнтагини ковлашаётганда сесканди.

— Ҳов, нокас, бир бечоранинг киссасини ковлайсанми?

— Ана маст демаганмидим? Бўлмаса хизматдаги одамни сўкармиди?

— Сен бўлсанг касал-пасалдур, дейсан. Қани ол!

Шу пайт машинанинг гулдирак овози эшитилди.

— Қўйворинг, ана менинг машинам келди, ишга бораяпман!

— Ҳалиям сизнинг машинангиз, биз ёрдамлашаяпмиз, холос.

— Ие, бу мелиса мошинику, чиқмайман.

Қобирғасининг остига кимдир яхшилаб ниқтади.

— Ҳов, нега ураяпсан? Мени танийсанми, номард!

— Ҳа, танийлиз, сичқон ҳам юзтани отиб олса, мушукка ўшқиради.

— Мен ўшқираётганим йўқ, мушукжон ака, кейин маст ҳам эмасман...

— Э, маст бўлмасанг, онангни пешайвонида ўтирибсанми, чиқ, машинага!

Ҳалимжоннинг сўзи бўғзида қолди. Уни бамисоли коптокдек қилиб машина ичига улоқтириб юборишди. Боши аллақандай темирга урилди. Машинанинг бир тарафи пасайиб кетаётгандек туюлди. Кейин ўйдим-чуқур кўчалар «ишга киришди». Бир пайт учиб келаётган «бедов» шундай тез тўхтадики, Ҳалимжон бир халта шолғомга ўхшаб ўриндиқнинг остига кириб кетди.

— Шунча ҳам ичадими? Атайлаб «ямоқ» кўчалардан ҳайдадим. Ҳеч нарсани сезмабди-я.

— Қани бўл, торт бу ёққа!

Ҳалимжон энди ростданам мастга ўхшарди.

— Ҳам... мангни қаматаман!

— Қайси аммамни? Бозордагисиними, мозордагисиними?

Ҳалимжоннинг қобирғаси остига яна нимадир урилди. У «иҳ»раб ўтириб қолди. Судраб душга олиб киришди. Бошидан шариллатиб яхдек сув қуйишди. Кейин сўроққа чақиришди.

— Қаерда ишлайсиз?—деди нотаниш киши.

— Бозорда, ҳм...

— Ким бўлиб?

— Паттачи...

— Ие, Мавжуда кампирни биласизми?

— Ҳа, доим пулим йўқ деб патта олмайди.

— У киши бизнинг момой бўладилар.

— Ундай бўлса, менга ёрдам қилинг, ука, ана у нокасларни жазоланг. Ахир, мен ҳушёрман.

— Яқинда Московда ошқозонни апараста қилганмидинг-из? Кимдир бормоқчи экан, момой ҳам у-бу беribдилар, аммо ўша бедаво бормай қопти.

— Ҳаммасини биларкансиз, нега ёзаяпсиз?

— Энди сизни олиб келишганда маст бўлгансиз-да.

— Маст!

— Ҳалимжон ака, энди бундоқ бола-чақанг ҳам ўйланг. Дўхтирлар сизга тағин ичсангиз ўласиз деганини ҳам биламан.

— Хўш, унда нега ўлмадим?

— Дўхтирлар рост гапиради деб ким айтди? Келинг, ёрдам қиламан. Ҳозир сизни обориб қўйишади.

У шундай деб чойнакдаги совуқ чойдан бир пиёла қуйди.

— Йўқ, ичмайман.

— Олинг ака, эрталабки муштдан қайтмайдилар.

— Эрталабки муштдан ўргилай! Тақдиримда ана шу «мушт»ни ейиш бор эканки мана шу куйга тушдим.

Нотаниш киши Ҳалимжонни кузатиб қоларкан, шофёрига деди:

— Бу акангни аввал уйларига олиб бор, кийим-пийимларини алмаштириб олсинлар, сўнг бозорга элтиб қўй! Қани, Ҳалимжон ака, марҳамат, биз сизга яхшилик қилдик, сиз ҳам момойни қўллаб туринг. Жонингизга азоб берган иккита гўрсўхта билан ўзим яхшилаб гаплашиб қўяман. Уларга доим айтаман: аввал кимлигини, иш жойини сўранглар деб. Ўзим билмапман-да, сразу ишингизга жўнатардим. Ҳа, майли, қани ҳайда!

Ўшандан кейин Ҳалимжон бир ҳафталик «мушт»дан ажралди. Анча вақт ётиб қолди. Энди қоронғуда йўлга чиқишга ҳам қўрқади. Нима қилсин? Кечроқ йўлга чиқса, бекатда бир соат-икки соат туриб қолиши ҳеч гап эмас. Мелисаларнинг устидан шикоят қилолмайди. Тағин душхонага тиқиб қўйишлари мумкин. Қўрқади. Нима қилиш керак? Яхшиси, митти автобус ҳайдовчилари устидан арз ёзади. Вақтида келишмайди, тўққиз кишидан ортиқ одам олишмайди. Нима, уларнинг бола-чақалари йўқми? У икки қоғозни тўлдирди-да йўлга чиқди. Қўлёзмамга тушунишмаса иш юришмай қолади, деб машинка бюросига борди.

— Сингил, шуни ..,— у ёши ўзидан каттароқ, кўринишидан тўққизта болани туғиб қўйиб, «мать-герой» бўлишига сал қолган аёлга мурожаат қилди. — Очирид, икки ҳафтада битиб қолади.

— Иложи йўқми, сингил?

— Бор, фақат саҳифасига ярим сўм эмас, яхлит сўм тўласангиз, уйда ёзиб келаман. Бозор иқтиқсоди...

У тортиниб ўтирмади. Ёзиб бўлгач, барибир ярим сўмдан бераман, додини худога айтади, деб хаёл қилди-да орқага ўгирилди.

— Ҳов мулла йигит, бу ёққа қаранг! Кимни ёздингиз, кимни? Ҳа, шуни ёзган қўлингиз синибгина қолсин!

— Нима қилибман, опажон!

— Энди опа бўлдимми? Ахир поччангни ёзибсан-ку, сабил қолгур. Сенларга хизмат қилиб балога қолдими?

— Опажон, яхшилаб ўқинг, нега тўққиздан зиёд одам олмайди, деганман. Ахир сизнинг ҳам бола-чақангиз бордур?

— Шунақами? Айланай сиздан, ундай бўлса боплаб ёзинг! Уларга бир бошлиқ келган, яккабош. Бола-чақаси йўқ-да. Бўйдоқнинг бўйини бит ейди, топган-тутганини ит ейди. Ўшаниям қўшинг. Шу ерда туринг, ҳозир ёзиб бераман.

Ҳалимжон аризани «қўлтиқлаб» автокорхонага келди.

— Кимда ишингиз бор? — жилмайди котиба.

— Бошлиқда.

— Марҳамат, бугун эркаклар байрами, кутиб турмасликларингиз керак.

— Байрам... Ҳа-я, байрамингиз билан!

— Мени эмас, сизни табриклаймиз. Қани марҳамат!

Ҳалимжонни бошлиқ илиқ қаршилади.

— Хизмат, ака?

— Мен шикоят олиб келганман. Маршрут такси ҳайдовчилари...

— Раҳмат сизга, шикоят деб ҳазилни боплар экансиз. Бу, дейман, улар мусобақада ғолиб чиқишганини қаёқдан билдингиз?

— Мен...

— Қани энди ҳамма сизга ўхшаб байрам кунлари вақтини аямай қутлагани келса. Ҳозир йиғилишимиз бошланади, исмингиз нима?

— Ҳалимжон!

— Қани Ҳалимжон ака, кетдик.

Катта зал одамга тўла. Уларни қарсак билан кутиб олишди.

— Азиз биродарлар! Бугун сизларни табриклашга ҳурматли меҳмонимиз Ҳалимжон ака ташриф буюрдилар. Ҳа-ҳа, у киши байрам билан ҳайдовчиларимизни қутлай деб ўз ихтиёрлари билан келдилар. Биринчи сўзни Ҳалимжон акага берамиз. Қани битта қарсак...

Ҳалимжон нима бўлаётганини, қаерга тушиб қолганини сезмасди. Унинг хаёлида шикоятдан бошқа гап йўқ эди.

— Ўртоқлар! Мен миттирайонда яшайман. Маршрутли такси ҳайдовчилар...

Унинг гапи чала қолди. Залда гулдурос қарсак.

«Хайрият, бизни ҳам мақтайдиган йўловчи топиларкан. Яшасин Ҳалимжон ака!» Қарсаклар тингач, у яна оғиз жуфтлади:

— Сизларни бугунги байрам кунида...

— Сизни ҳам табриклаймиз! Яшанг, Ҳалимжон ака!

У автокорхонадан сувга тушган мушукдек мунғайибгина чиқди. Шикояти киссасида қолди.

— Қани, Ҳалимжон ака, ўтиринг, олиб бораман. Энди ишга чиқайлик, йўловчилар ҳам зориқиб қолишгандир.

У миттирайонга етиб келгач, чўнтагини ковлади.

— Ҳай, ҳай, уят бўлади-я, ахир сиздан ҳақ оламизми?

Эртаси куни Ҳалимжон боши оғриб уйғонди. Шошмасдан йўлга чиқди. Бекатда одам кўп. У пиёда борар эди. «Ғийқ» этиб машина тўхтади.

— Ҳалимжон ака, марҳамат, — деди шофер эшикни очиб.

Йўловчилар арз қилишди:

— Шопир ука, ишга шошаётган одамни тушириб юборингиз. Мумкин эмас экан, ўз йўлида кетаётган одамни нега чақирасиз?

— Э, бу киши ўзимизнинг одам!

Ўшандан буён Ҳалимжон навбат кутмайди. Уни ҳайдовчилар ўзлари чақириб олишади. «Ўзимизнинг одам» кейинги сафар байрамда чинакамига табриклашга боришни кўнглига туйди. Бироқ...

Сездингизми, Ҳалимжон учун ёмон бошланган воқеа ана шунақа яхшилик билан тугайди. Янаги байрамдан кейин нима бўлар экан? Ҳалимжон буни сезганда-ку, боплардиё... Аммо ҳозирча нима бўлсаям, бозорга вақтида бориб турса бас. Чунки яна бир йил шундай даромад қилса, кейин ўзи «оқтой» олади.

Айтинг, айтинг, лоақал бир йилгача кўз тегмасин-да!

Жаҳонгир МУҲАММАД.

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

ҲАЕТИМИЗГА кириб кела бошлаган бозор иқтисодиёти Театр арбоблари уюшмаси олдига ҳам бир қатор жиддий муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Ҳамма соҳада юз бераётган парокандалик, бошбошдоқлик жумҳуриятимиз маданиятига таъсир этмай қолмайди. Санъаткорларни ижтимоий ҳимоя қилиш, театр фестивалларини уюштириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун ҳомийлар излаш зарур.

Давр тақозо этаётган бу муаммоларнинг муваффақиятли ечими театр уюшмасининг қай даражада фаолият кўрсатишига боғлиқ. Театр бугуннинг ўткир муаммоларини саҳнага олиб чиқмас экан, уларнинг ечими хусусидаги фикр-мулоҳазаларни томошабин билан бирга мушоҳада қилиб, тўғри хулосалар чиқармас экан, бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиши мушкуллашади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг устави жумҳурият Адлия вазирлигида рўйхатга олинганн муносабати билан уюшма бошқаруви котибиятининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда санъаткорларнинг ижодий фаолиятлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш умумдавлат иши бўлсада, саҳналарга томошабинларни мафтун этадиган асарлар олиб чиқилмас экан, уюшма олдида турган муаммоларни ҳал этиш қийин бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мандат комиссияси шу комиссия аъзоси Ғ. Н. Ҳожиевга отаси

Нураддин ҲОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, оғир жудолик кунларида унга сабр-тоқат, мустаҳкам ирода тилайди.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

"ЎСАРФИЛЬМ" © "USARFILM"

USSR, 121019, Moscow, st. Arbat, 4—8. tel. 1795172
СССР, 121019, Москва, Арбат, 4—8. тел. 1795172

ЭРКИН КИНО УЮШМАСИ

«ЎСАРФИЛЬМ» КИНО СТУДИЯСИНИНГ

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНО МАКТАБИ

Бисмиллоҳирр роҳманирр роҳим!

Одамлару одамлар, ўқимадим, деманглар. Ўқиганлар доғда қолманглар!!! Агар шу кунларда «Ўсарфильм» олий кино мактаби кинорежиссёрлик, кинооператорлик ва кинодраматургия бўлимларининг аспирант-талабаси Саид Ўсар Бекни (...Ўзи эшитмасин...) кўча-кўйда кўриб қолсангиз, кўксингизга туфлаб, ёқангизни тишлаб, қўрқиб кетганингиздан калима келтириб ўтирманг. Сизни огоҳ қилиб қўяйлик: ҳозир Саид Ўсар Бек «жаноби олийлари»нинг сочлари белларига, атрофида қирқта паришта учиб юрган соқоллари тиззаларига тушган... У киши мажнун қиёфасида кўча-кўйда ўзларича алланималарни гапириб, кўйдирган калладек тиржайиб, гоҳ ҳиринглаб, гоҳ хохолаб кулиб юрибдилар... У кишини кўриб: «Бечора, бир «шариги» тушиб қолибди...» деб ачиниб ўтирманг... Бунинг сирини биз айтамиз (зинҳор-базинҳор ўзлари эшитиб қолмасинлар, худо кўрсатмасин, эшитиб қолсалар борми, ҳаммамизни ишдан ҳайдаб юборадилар...). Саид Ўсар Бек «жаноби олийлари» 1993 йилда «Афанди саргузаштлари» деган икки серияли сатирик кинокомедияни суратга оламан деб, ўзлари «афанди» бўлиб қолдилар... Ҳар замонда: «Умм... Мочча эшшак!!! Ҳааа-нии маанни оппооқ ҳанги эшагим?!» деб инграб, дарғазаб ҳам бўлиб қўядилар... Ўлмаган бизнинг жонимиз... «Тентакни қочган томонига қараб қув!» деган экан доно халқимиз. Худо хайрингизни бергурлар, уйларингизга буғдой тўлгурлар, келинглар, ҳаммамиз биргалашиб, дув-дув этиб, шу «тентак»ни қочган томонига қараб қувайлик... Янги ковушларинг бўлса, қўлларингга олиб олинглар, тағин тешилиб кетмасин. «Ўсарфильм» кино студияси билан «Ўсарфильм» олий кино мактаби Саид Ўсар Бек «жаноби олийлари»ни қочган томонларига қараб қувиш-мақсадида (у киши Масковга қараб қочганлар... Тезроқ қувиб етиб олмасак, у ердан Америконинг Ҳолливуд кино студиясига қараб қочиб қолишлари хавфи бор...: Яна тағин ўзбек кино санъати «оғир жудоликка» учраб қолмасин...) 1993 йилда «Афанди саргузаштлари» деган икки серияли сатирик кинокомедияни суратга олиш орзусида бир ўқ билан икки қуённи уриб, бирданига иккита КОНКУРС ўтказишга жар соладилар.

БИРИНЧИСИ: Энг зўр, энг қойилмақом «Афанди саргузаштлари» деган киносценарий учун.

ИККИНЧИСИ: Насриддин Афанди ролининг ижрочиси учун.

Бу конкурсда Насриддин Афанди деса ўзини томдан ташлаш у ёқда турсин, ҳатто парашют очилса-очилмаса ҳам ўзини тайёрадан ташлаб юборадиган, Афанди латифаларини айтиб ёки эшитиб кулгидан ичаги узиладиган, кулгини, аскияни жону дилидан севадиган афандишунос афандилар (мабодо, қўллари қичиб қолса...) ёзув машинкасида уч нусхада сценарий ёзиб Масковга «тепиб» юборишлари мумкин...

Бу конкурс афандишунос афандиларнинг ичларини 1992 йилнинг июль ойига қадар тандирдай қиздириб, кўнгилларини қитиқлаб, қўлларини қичитиб туради...

Насриддин Афанди ролини ижро этмоқчи бўлган афандилар эса Афанди кийимини кийиб (пўстакни қирқиб, соқол-мўйлов ёпиштирсалар ҳам майли) оппоқ ҳанги эшакни миниб, ҳар қиёмда суратга тушиб, Афанди латифаларини ва аскияларини магнитофон ёки видеомагнитофон лентасига ёзиб, ҳуржунни икки кўзига солиб, ҳуржунни эса оппоқ ҳанги эшакни устига ташлаб, эшакни Масков томон «тепиб» юборсинлар...

Кулги қулдирган одамга қайтариб берилмаганидай, конкурсга юборилган Афанди латифалари ва аскиялари ёзилган магнитофон ва кинофильмлар, видеомагнитофон ёзувлари (кассеталари), фотосуратлар, видеофильмлар ҳамда киносценарийлар эгаларига қайтарилмайди ва улар конкурсга юборган асарларига даъво қилмайдилар.

Конкурс ғолиблари 1992 йилнинг август ойида овоза қилинади. «Афанди саргузаштлари» деган энг яхши кинокомедия ёзганга унинг қўли «қичиғини қондириш» учун товус паридан ручка ёғоч сиёҳдони билан, тўн, белбоғ, дўппи ва «Афанди саргузаштлари»ни давомини ёзгали 100.000 (юз минг) сўм пул совға қилинади.

Насриддин Афанди ролининг ижрочисига эса битта тирик оппоқ ҳанги эшак эгар-жабдуғию ҳуржуни билан, бир жуфт калиш, оқ яктак, оппоқ салла дўпписи билан, пўстакдан қирқиб олинган соқол-мўйлов, ҳуржуннинг ҳар кўзида эса 25.000 (йигирма беш минг) сўмдан, жаъми 50.000 (эллик минг) сўм қоғоз пул тортиқ қилинади.

Илоҳи омин, тезроқ Саид Ўсар Бекнинг «афандилиги»дан қутулайлик, омин, оллоҳи акбар!

«Ўсарфильм» бадиий раҳбари — Ҳамидулла Ҳасанов.

«Ўсарфильм» президенти — Анвар Саид.

«Ўсарфильм» муҳаррири — Шавкат Раҳмон.

«Ўсарфильм» вице-президенти — Шодиёр Маматқул.

«Ўсарфильм» рассомлари — Қаҳрамон Нуриддин, Ҳасан Ҳаким.

«Ўсарфильм» олий кино мактабининг президенти — Ҳабибулла Али.

«Ўсарфильм» ҳомийлари: «Фора-фильм» халқаро эркин кино студияси, мамлакат эркин кино уюшмаси ва «Интеркаспий» халқаро уюшмаси, бутун дунё кино мактаблари билан ҳамкорлик қилиш С. М. Эйзенштейн халқаро фонди, АҚШ, ГФР ва Венгрия мамлакатларининг IVA Халқаро «Интернэйшнл» компании ЛТД фирмаси.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 121019, Москва, Арбат 4/8. «Ўсарфильм» кино студияси ва «Ўсарфильм» олий кино мактаби.

ҲУРМАТЛИ НУЪМОНЖОН АКА ОХУНОВ!

Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан муборакбод этиб, узоқ умр ва бахт-саодат тилаймиз. Самарқанд шаҳридаги Лолазор гузари табаррук қадамингиздан яшнаб турсин.

Ёр-биродарларингиз ва фарзандларингиз.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 37. 118800 нусхада чоп этилади.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12